

TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil
11-aprel
SHANBA
№ 29 (13890)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

ЁШЛАР КУНИ: ПАЙШАНБАДА ЯНА ЮЗМА-ЮЗ



Мулоқот

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳамда Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ҳоқими Зойир Мирзаев бошчилигида туман ва шаҳар ҳоқимлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, банк-молия муассасалари вакиллари, олий таълим муассасалари раҳбарияти ҳамда мазкур олийгоҳларда таҳсил олаётган вилоят ёшлари иштирок этишди.

2



АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Тиллар яқин бўлгани каби диллар ҳам яқин бўлса, бирдамлик кўприклари янада мустаҳкамланади. Туркий халқлар асрлар давомида ана шундай маънавий яқинлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик руҳида яшаб келмоқда. Уларни бирлаштириб турган энг қудратли кучлардан бири эса, шубҳасиз, адабиётдир.

Тақдимот



Юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва азму шижоати билан олиб борилаётган халқчил сиёсат натижасида туркий тилли давлатлар ўртасидаги азалий бирлик ва дўстлик, маданий ва адабий апоқалар янги босқичга кўтарилмоқда. Зотан, адабий дўстлик – абадий дўстликдир.

Кеча пойтахтимиздаги Ислоҳ цивилизацияси марказида “Амир Темур ва те-

мурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий конференция доирасида “Туркий дунё адабиёти” туркумидаги янги китоблар тақдими бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли тадбир Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази, Халқаро ТУРКСОЙ ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

4

ViLOYAT bo'ylab

Tojikiston Respublikasining So'g'd viloyatidan kelgan ishchi delegatsiya TOSHKENT viloyatida qishloq xo'jaligi sohasida amalga oshirilayotgan ishlar, innovatsion loyihalalar va ilg'or agrotexnik tajribalar bilan tanishdi. Mehmonlarga sohani rivojlantirishga qaratilgan islohotlar, suv tejovchi texnologiyalar, mahsulot yetishtirish hajmi hamda eksport imkoniyatlari haqida ma'lumot berildi. Shuningdek, o'zaro tajriba almashish, qo'shma loyihalarni amalga oshirish, urug'chilik va issiqxona xo'jaliklari bo'yicha hamkorlikni kengaytirish masalalari muhokama qilindi.

NURAFSHON shahar hokimi Ilhom Klichxanov Osiyo taraqqiyot banki vakillari bilan uchrashib, 2027-2030-yillarda amalga oshirilishi rejalashtirilgan yirik "Digital innovation valley" loyihasi bilan tanishdi. Uchrashuvda tomonlar dastlabki tashkiliy jarayonlar, joy tanlash va zaruriy kommunikatsiyalar bilan ta'minlanish, shuningdek, loyihani bosqichma-bosqich amalga oshirish, hududda zamonaviy innovatsion ekotizim yaratish va yangi ish o'rinlarini tashkil etish masalalarini atroflicha muhokama qilishdi.

TOSHKENT viloyati hududlarida aholi o'rtasida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni kuchaytirish, milliy qadriyatlarni keng targ'ib qilish hamda jamiyatda shukronalik va birlik muhitini mustahkamlashni ta'minlash maqsadida viloyatning tuman va shahar mahallalarida keng ko'lamli tadbirlar o'tkazilmoqda. Ularda shukronalik g'oyalari targ'ib qilinib, milliy an'ana va qadriyatlar ulug'lanmoqda, shuningdek, nuroniylarning hayot yo'li yoshlarga ibrat qilib ko'rsatilmoqda.

CHIRCHIQ davlat pedagogika universitetida Amir Temur tavalludining 690 yilligi munosabati bilan "Amir Temurning tarixiy merosi – Uchinchi Renessansning mustahkam tayanchi" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbir tashkil etildi. Unda so'zga chiqqanlar Sohibqironning boy tarixiy merosi, davlat boshqaruvidagi yuksak salohiyati, ilm-fan va madaniyat rivojiga qo'shgan hissasi haqida batafsil ma'lumot berishdi.

Ijtimoiy sohada faoliyat yuritayotgan mutaxassislarining bilim va salohiyatini oshirish, ularning kasbiy mahoratini rag'batlantirish maqsadida "Eng faol ijtimoiy xodim" ko'rik-tanlovining viloyat bosqichi bo'lib o'tdi. Tanlovda ro'yxatdan o'tgan 720 nafar ijtimoiy xodimning 394 nafari test orqali o'z bilim va ko'nikmalarini sinab ko'rdi.

ХОМИЙНИНГ ҲИММАТИГА БАЛЛИ

Тошкент туманининг Айриота номли маҳалласида 30-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

Тухфа

Таълим масканининг очилиш маросимида Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б.Валиев, Мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Каримова, Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари У.Абдуллаева, Тошкент тумани ҳоқими С.Эргашев ҳамда тегишли мутасадди раҳбарлар иштирок этишди.



СУВЧИЛАР ТАЖРИБАСИ

хорижликларда қизиқиш уйғотди



Мўғулистон Ҳукумат ишлари бошқармасининг худудий бошқарув ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи Зоригтбаатар Пурев бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташрифи доирасида сув ҳўжалиги соҳасида жорий этилган замонавий технологиялар ва амалий лойиҳалар билан яқиндан танишди.

2

Пиллачилик: Қарор ва ижро

Мавсумга тайёрмиз(ми?)

Бугун жаҳон бозорида экологик тоза, сифатли ва ишончли маҳсулотларга бўлган талаб кескин ортиб бораётган бир пайтда, ипак толаси яна ноёб маҳсулот сифатида майдонга чиқмоқда. Бу эса ипакчиликни ривожлантиришни шунчаки иқтисодий манфаат эмас, балки замон талаби даражасига кўтармоқда.

3





ЁШЛАР КУНИ: ПАЙШАНБАДА ЯНА ЮЗМА-ЮЗ

Жорий йилда Миллий университетни вилоятлик 1 минг 289 нафар битирувчи тамомлайди. Шундан 1,2 минг нафари бакалаврият, 89 нафари магистратура босқичида. Уларнинг 624 нафари аллақачон давлат ва хусусий секторда фаолият юритмоқда, 243 нафари эса ўзини ўзи банд қилган ҳолда даромад топмоқда. Шу билан бирга, 422 нафар битирувчининг ҳали иш билан таъминланмагани ушбу йўналишда амалий чораларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тошкент давлат техника университетида ҳам шунга яқин ҳолат кузатишмоқда. Бу ерда 1 минг 195 нафар вилоят талабалари битирув

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

арафасида бўлиб, уларнинг 1 минг 71 нафари бакалаврият, 124 нафари магистратура босқичида таҳсил олмоқда. Ҳозирги кунда 560 нафар талаба расмий иш билан таъминланган, 272 нафари ўзини ўзи банд қилган.

Учрашув давомида вилоят ҳокими ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, имтиёзли кредитлар, субсидиялар, грантлар ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари орқали ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг мустақил даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидлашчи, бугунги кунда ҳар бир ташаббускор ёш учун ўз

ғоясини амалга ошириш имконияти мавжуд.

Айниқса, стартап лойиҳаларга алоҳида урғу берилди. Инновацион ва амалий аҳамиятга эга бўлган ғоялар давлат ва банк-молия институтлари томонидан қўллаб-қувватланиши, лойиҳаларни амалга ошириш учун имтиёзли молиявий ресурслар ажратилиши қайд этилди. Шунингдек, ёшларга ўз бизнес ғоялари билан тегишли ташкилот-



ларга мурожаат қилиш, лойиҳаларини молиялаштириш, маслаҳат ва ҳамроҳлик хизматларидан фойдаланиш тартиби ҳам тушунтирилди. Бунда ҳар бир ғоянинг ҳаётийлиги, иқтисодий самардорлиги ва бозор талабига мослиги асосий мезон сифатида баҳоланиши алоҳида таъкидланди.

Мулоқот давомида бир гуруҳ талабалар ўзларининг стартап лойиҳаларини тақдим этишди. Уларнинг айримлари шу жойнинг ўзидаёқ масъуллар томонидан маъқулланиб, амалга ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Бу эса "Раҳбар ва ёшлар" учрашувлари фақат муҳокама эмас, балки аниқ натижаларга йўналтирилган амалий платформа эканини яна бир бор кўрсатди.

Учрашув якунида битирувчиларга мутахассислиги бўйича ишга қабул қилиш тўғрисида кафолат сертификатлари топширилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Миллий университет ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган меморандум имзоланди.

Қайд этиш жоиз, вилоят мутасаддилари томонидан бу каби учрашувлар тизимли равишда йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг самараси амалиётда яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 5 март куни ўтказилган "Раҳбар ва ёшлар" учрашуви ҳамда давлат муассасалари ва йирик корхоналар иштирокида ташкил этилган "Меҳнат ярмаркаси" бу борада муҳим босқичлардан бири бўлди.

Ушбу тадбирлар доирасида ёшлар учун юзлаб бўш иш ўринлари тақдим этилди. Энг муҳими, улар иш беришчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, ўз имконият ва салоҳиятини намоён этиш имконига эга бўлишди. Натижада 149 нафар битирувчининг расмий бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, ўтказилган индивидуал суҳбатлар, манзилли ёндашув ва аниқ режалаштирилган иш тизими асосида яна 118 нафар битирувчининг олий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг ишга жойлаштиришга қаратилган ишга жойлаштириш кафолатланди. Бу эса ҳудудда ҳар бир ёш билан алоҳида ишлаш, уларнинг келажагини таъминлашга қаратилган тизим шаклланишини кўрсатади.

Ўттир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолиддин ЭСОНОВ
олган суратлар

▼ Тиббиёт

Юздан зиёд бола соғлом ҳаётга қайтарилди



Чирчиқ шаҳридаги вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети стоматология клиникаси шифокорлари иштирокида юқори технологик хайрия операциялари амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида "лаб ва танглай ёриғи" таъхиси қўйилган Тошкент вилоятидаги 20 нафардан ортиқ болада мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Шунингдек, 22 нафар кам таъминланган фуқарога бепул тиш протезлари тайёрланиб, ўрнатилмоқда.

Мазкур ташаббус аввалги йилларда ҳам самарали амалга оширилиб, бугунга қадар 100 нафардан зиёд бола соғлом ҳаётга қайтарилган. Бу эса оилаларга хорижа чикмасдан туриб, юқори малакали тиббий хизмат олиш имконини бермоқда.

Ибн Сино жамоат фонди мутахассисларининг таъкидлашича, 2027 йилда ҳамкорлик доирасида 150 нафарга яқин беморга бепул жарроҳлик ёрдами кўрсатиш режалаштирилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати



– Якка тартибдаги тадбиркор асосий фаолиятдан ташқари қўшимча равишда бошқа фаолият тури билан шуғулланса қандай солиқ тўлайди?

Асқар КАРИМОВ,
Тошкент тумани

Саволга вилоят

Адлия бошқармаси шўъба бошлиғи
Дилмурод ХУДОЙҚУЛОВ жавоб беради:

– Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига асосан фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

▼ Матбуот анжумани

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари бажарилган ишлар юзасидан аτροφлича маълумот беришди.

Анжуманда таъкидлашчи, вилоят Адлия бошқармаси ва унинг туман-шаҳар бўлимлари томонидан ҳисобот даврида келиб тушган 2 минг 466 та мурожаатнинг 94,4 фоизи ижобий ҳал қилинган. Жойларда 358 та мониторинг ва 79 та ўрганиш олиб борилиб, аниқланган жами 4 минг 540 та қонунбузарликни бартафари этиш бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилган. Шунингдек, судларга жами 11 миллиард сўмлик даъво аризалари юборилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 94 та маъмурий материал расмийлаштирилган.

– Адлия органлари томонидан "Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Қонун ижроси доимий равишда назорат қилиб борилмоқда, – дейди вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Икром Бекниёзов. – Хусусан, "Эътироф" автоматлаштирилган тизимига киритилган маълумотларга кўра, жорий йил 7 апрель ҳолатига вилоят бўйича 139 мингдан ортиқ кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказилди. Шундан қонун татбиқ этиладиган 46 мингдан ортиқ объектнинг электрон



АДЛИЯНИНГ АДОЛАТИ намоён бўлмоқда?



ийғажилд ҳужжатлари тайёрланиб, ахборот тизимига жойлаштирилди.

Шунингдек, 3 минг 515 та объектга нисбатан ижобий ҳулосалар берилган бўлиб, шундан 3 минг 142 таси бўйича Тошкент вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг қарорлари билан ҳуқуқлар эътироф этилган.

Вилоятимизда "Е-қарор" электрон тизими ишга туширилганидан буён 86 минг 85 та ҳужжат қабул қилинган. Улардан 44 минг 253 таси ҳоким қарорлари, 29 минг 562 таси ҳоким фармойишлари ва 12 минг 270 таси Кенгаш қарорларидир. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 92 та қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган.

Матбуот анжуманида давлат хизматлари йўналишида чекка ва олис ҳудудлар аҳолисига 30 минг 465 та сэйёр давлат хизмати кўрсатилгани

таъкидланди. Давлат хизматлари марказларига бир кунда ўртача 270 нафардан ортиқ жисмоний ва юридик шахслар вакиллари мурожаат қилиб, улларга сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

2026 йилнинг биринчи чораги давомида вилоят ҳурдуидаги бозорлар, савдо нуқталари ва дорихоналарда профилактик кузатув тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, товар (хизмат) кўрсатиш белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолатлари бўйича 6 дан ортиқ тадбир ташкил этилди. Натижада 4 та ҳолатда контрафакт маҳсулотлар аниқланди. Текширишлар якунига кўра, 5 та тақдимнома, 7 та оғоҳнома ва 3 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, ҳуқуқ эгалари манфатлари ҳимоя қилинди.

Яқунда мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб беришди.
Нигора ЭРКИНБОЕВА

▼ Сана

Соҳибқирон хотирасига ЭҲТИРОМ

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев буюк саркарда, давлат ва жамоат арбоби Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан пойтахт марказида жойлашган Соҳибқирон ҳайкали пойига гул қўйди.



Гул қўйиш маросимида туман ва шаҳар ҳокимлари, нурунийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбир давомида Соҳибқироннинг бой тарихий мероси, унинг давлатчиликни мустаҳкамлаш, юрт ободлиги ва адолатли жамият барпо этиш йўлидаги улкан хизматлари

алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан Амир Темур шахсиятига юксак эҳтиром кўрсатилиб, унинг ибратли ҳаёт йўли ва жасорати ёш авлод учун доимо ўрнак бўлиб қолиши таъкидланди.

Тошкент вилояти
ҳокимлиги Ахборот
хизмати

СУВЧИЛАР ТАЖРИБАСИ хорижликларда қизиқиш уйғотди



Дастлаб меҳмонлар Ўзбекистон сув ҳўжалиги вазирлигида жойлашган "Сувчилар мактаби" фаолиятини кўздан кечиришди. У ерда сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, фермерлар ва агрокластер раҳбарлари учун ташкил этилган ўқув жараёнлари, амалий машғулотлар намоёйиш этилди.

Шундан сўнг делегация аъзолари вилоятимиздаги сув тежовчи технологиялар амалиётга жорий этилган қатор объектлар, жумладан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Solar.uz" масъулияти чекланган жамиятига қарашли ер майдонида бўлишди. Мазкур жамият 960 гектар майдонда бугдой, картошка ва бошқа сабзавотлар етиштирилади. Ўзтиборлиси, жамиятга тегишли барча майдонларда сув тежовчи технологиялар тўлиқ жорий этилган. Айти пайтда ёмғирлатиб сугориш тизими самарали ишлаб турибди. Бу эса сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ҳосилдорликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, меҳмонлар туманда ташкил этилган "Сувчилар мактаби" тажриба майдонига бўлиб, сув тежовчи технологияларнинг амалда

қўлланилиши, уларнинг самарадорлиги ва фермерлар учун яратилаётган имкониятлар билан ҳам танишишди. Меҳмонларга амалий кўргазмалар ва тушунтиришлар орқали замонавий сугориш усулларининг афзалликлари намоёйиш этилди.

Ўрганишлар давомида делегация аъзолари Нурафшон шаҳрида жойлашган "Agro new drip" корхонасида томчилаб ва ёмғирлатиб сугориш учун мўлжалланган шланглар, қувурлар ҳамда геомембраналар ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечиришди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 40 фоизи экспортга, 60 фоизи эса ички бозорга йўналтирилаётгани, маҳсулот тайёрлашда қўлланиладиган хом ашёнинг ярми Саудия Арабистони ва Туркиядан импорт қилиниши, қолган қисми эса маҳаллий корхоналар ҳиссасига тўғри келиши борасида маълумот берилди.

Ташриф якунида делегация вакиллари Ўзбекистонда сув тежовчи ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларга қизиқиш билдириб, бу тажрибани ўрганишларини таъкидлашди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

1976 йилнинг январида Турғунбой буваимиз вафот этдилар. Улардан пастгина пахса деворли уй ва каттагина боғ қолди. Орадан бир неча йил

Одамийлик шеваси

ўтгач, ҳовлининг ярмини Атамурод исмли бир йи-гит сотиб олди ва бу ерга катта қилиб уй қуришни бошлади. Шунда дадам унга айтган эканлар:

– Атамурод, иморатни чиройли қурибсан, омадингни берсин. Лекин сенга битта маслаҳат, укажон, отамиздан қолган манави ўрикни кесмагин.

Раҳматли бу ўрикни жуда улуғ ниятлар билан ўстирган эдилар. Болаларинг ҳам унинг меваларидан еб, соясида катта бўлишин. Иккинчидан

ота-бувалардан қолган дарахтлар хонадоннинг файзи-баракаси дейишади... Қасрдек унинг битибди-ку, энди айвон ёки ошхоналарни ўрикдан 5-6 метр нарироқда курсанг ҳам бўлар. Ахир ҳовли катта-ку...

Янги қўшнимиз имонли одам экан. Отамнинг илтимосини ерда қолдирмади.

бир мақола ёзсанг. Уни газетангга яна қанча-қанча одамлар ўқиса, менга ўхшаб юрагини авайлаб юрганларнинг дуосини олардинг-да, дўстим!

Букланган газетани чўнтагимга солар эканман, бошқалар ҳазиллашиди:

– Маълумотни бу берса, мақолани сан ёзсанг, унда гонорарни қандай бўлишасизлар?

– Менга гонорар керакмас! – “мардлик” қилди Юнус, – Нури холам (онамни

сифатида тортган бўлса керак. Баъзи тоғлик ҳудудларда уни нон ўрнида истеъмол қиладилар. Эндиликда халқ уруғчилигининг исфарақ, қандак, хурмойи, мисанжали, субҳони, муллақанди каби навлари ажойиб натижалар берди. Буларнинг туршаги таркибиде 85 фоизгача қанд бор.

Етилиб пишган ўрик ғоят мазали, хушбўй, тўйимли бўлади. Туршаги ҳам кенг миқёсда истеъмол қилинади. Ҳозирги

Устозга “Хўп...” дедим, ўйлабиди қолдим. Чунки у пайтларда Қурбон ака оиласи билан шаҳарда ҳали у квартирада, ҳали бу ижарахонада яшаб юрарди. “Ахир домда турасиз-ку...” дейишга тилим бормади. Чунки у кишининг табиатга бўлган муҳаббати шу қадар самимий эдики, унинг олдида ҳар қандай шубҳа ноўрин туюларди. Қурбон ака шундай инсон эдики, қайси ҳовлида бир мuddат яшаса, ўша жойни боғга айлантириб кетарди. У киши учун дарахт экиш оддий иш эмас, балки эзгу одат, ҳатто бир ибодат эди.

Халқимизда ўрикни сабр ва барака дарахти деб аташади. Чунки унинг меваси, мағзи, ҳатто барги ҳам инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ўрик меваси табиий витаминлар хазинасидир. Унда инсон организми учун зарур бўлган калий, темир, мағний, фосфор, А ва С витаминлари кўп миқдорда мавжуд. Айниқса, калий моддаси юрак фаолиятини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

ганда Қурбон ака каби инсонларнинг номлари ёдга тушаверади...

Боғни пайхон қилиш осон, лекин...

Катта ўғлим коллежни битирди-ю, ўша йили институтга киролмади. Шунда у марҳум отамнинг ўрнини босиб, дала ишларига чиқди. Бир кун ишдан қайтиб келсам:

– Дада, сизга бир маслаҳатли гапим бор, – деди.

Қисқаси, буваасидан қолган ерларда янгилик қилиш нияти бор экан. Узум навлари харидорбор эмаслигини, бозорда сотиш ҳам қийинлашайётганини айтиди. Шунинг учун боғни таг-туғи билан янгилашни таклиф қилди.

– Ниятинг яхши, болам, лекин удда-лай олармикансан? – дедим ўйлабиди. – Боғ қилиш осон иш эмас, оғир меҳнат талаб қилади.

У эса ишонч билан жавоб қайтарди:

– Сиз ишониб, дуо қилиб турсангиз бўлди. Укам билан мана бу паст-баланд қирларни тракторда текислаб ташлаймиз. Янги боғни кенгайтираемиз. Кейин Паркентдан, анави Шредердан янги, серхосил навлар олиб келиб экамиз...

Ўшанда ўғилларимнинг раъийни қайтаргим келмади. Биринчи йили ўғлим ток экишга улгурмади. Боғ ўрнига қулупнай, моллар учун макка экиб юрди. Иккинчи-учинчи йиллар ҳам шундай ўтиб кетди. Кейин эса...

Богимиздан сал нарида собиқ “Пискент” хўжалигининг катта фермаси бўлар эди. У бузиб ташланди. Ўрнига беш қаватли уйлар тикланди. Янги “дом”ларнинг мағзаваси тозаланадиган иншоот эса биз олиб ташлаб, қайта тиклашга улгурмаган боғларимиз ўрнига қуриладиган бўлди...

Баъзан ўйлаб қоламан: биз бир боғни йўқ қилганимизда, фақат дарахтларни эмас, балки йиллар давомида етилиб келган баракани, табиат билан боғланган хотираларни ҳам йўқотиб қўймадикми?

Ҳа, ҳаётда бузиш осон-у, тузиш қийин экан. Буни мен бироз кечроқ англадим.

Яқшанба кун эрталаб шу мақолани ёзиб тугатдим. Машина овози хаёлимни бўлди. Ҳовлига чиқсам, катта иншоот бозордан қайтган экан. Машинасидан уч-тўрт халта бозорлик қатори бир туپ кўчат ҳам туширди.

– Буларни бозордан сотиб олдингми? – сўрадим ундан.

– Йўқ, мингтепалик боғдон Анвар амаким бор-у, шулар бериб юбордилар. Учтаси ток, учтаси ўрик... Эрта-индин даладаги ерларга чизел қиламиз. Четига экиб қўймоқчиман...

– Баракалла! – дедим унинг режасидан кувониб. – Уч боланга ният қилиб учтадан олибсан-да, шундайми? – Ҳа, ўзларига экирмақчиман...

– Унда шуларга яна еттита ўрик кўчати қўшасан. Чунки сани учта боланг бўлса, мана ўнта неварам бор...

Ўғлимга шундай дедим-у, хаёлимга бир гап келди: меннинг ва опа-сингилларимнинг фарзандлари отам яратган боғдан мева-чевалар еб, ўсиб-ўлғайишди. Шу боис руҳи тетик, юраклари бақувват. Келинг дўстлар, энди биз ҳам ота-боболаримиз қилган хайрли ишларни давом эттирайлик: чунки кундан-кунга гуллаб-яшнаётган бу жаннатни юртни асраб-авайлаш учун ҳам юраклари бақувват, юраклари ёниб турадиган ўғил-қизлар керак.

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



айтяпти) ёзда йиғиб қўядиган бўз қолдаги туршакларидан биттасини берворсалар бўлди...

Касалхонада зерикиб ётган собиқ синфдошимга битта мақола ёққан бўлса, айтиди-қўйди-да, деб ўйлаган эдим. Аммо сарғайган саҳифаларга кўз югуртириб, илгари ҳеч қаерда кўзим тушмаган маълумотларни топиб олдим.

Улардан бири ўрикзорлари кўп мамлакат ҳақида экан. Икки буюк тоғ тизмаси – Ҳимолой ва Ҳиндукуш ўрталлигидаги кенг водийда Хунза деган дарё оқади. Унинг қирғоқларида буришк халқи яшайди. Касаллик нималигини билмайдиган, узоқ умр кўрадиган одамлар яшайдиган бу юртни шифокорлар ва сайёҳлар “жаннат мамлакат” деб аташар экан. Сабаби мамлакатнинг иқлими ажойиб, халқи мақсадга мувофиқ овқатланар, дастурхонида ҳаммаша ўрик бўлар экан. Бу водий баҳор кезлари ўрик гулининг нимпушти ҳаририга бурканар, ёз бўйи ям-яшил япроқларининг салқин қўланқасида нафас олар экан. Буришклар орасида “Хотининг сен билан ўрик гуллаб турмаган жойга бормайди”, “Агар бир туپ ўригинг бўлмаса, хонадонингга келин келмайди” каби мақол ва маталлар кенг тарқалган экан.

Риштон, Сўх, Ўш, Водил, Чуст, Андижон ва бошқа бир қанча тоғли ва тоғолди туманларида ҳам ўрик шундай эътибор қозонган. Бадахшон водийларида келин билан кувёв никоҳ тўйи беағзи сифатида ўрик данаги тизилган маржон тақадилар.

Афтидан, ўрик дастлаб инсоннинг диққатини ҳаётий зарур қанд манбаи

вақтда ўриқдан мураббо, қиём пиширилади, компот, шарбатлар тайёрланади.

Ўтган асрда буришклар орасида уч йил яшаган француз врач Ральф Бишер Хунзада 90-100 йил умр кечириш одатий эканини, касалликлардан тери раки билан оғриш ҳолларигина юз беришини, бу ҳам бўлса юксак тоғ шароитида ультратрабинофа нурларининг миқдори ғоят кўп бўлиши туфайли туғилиши мумкинлигини таъкидлаган эди.

Қурбон Эшмат эккан ниҳоллар

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, уларнинг номи фақат ёзган асарларида эмас, балки экиб кетган дарахтлари соясида ҳам яшайди. Ана шундайлардан бири таниқли журналист, раҳматли устозим Қурбон Эшматов эди.

Қурбон ака табиатни севишни гап билан эмас, амал билан ўргатган инсонлардан эди. У киши табиатни асраш ҳақида кўплаб мақолалар ёзган. Аммо унинг энг катта “мақоласи” – экиб кетган боғлари, суяб кетган дарахтлари эди.

Бир кун богимиздан ашхонага узум олиб келдим. Дастурхон атрофида ўтириб, узумдан татиб кўрган Қурбон ака кутилмаганда сўзга қолди:

– Ҳовлидаги ўрик, олма ҳам борми?

– Бор, – дедим.

– Унда эсингда бўлсин, – деди, – кўк-ламда иккита олма, иккита ўрик кўчати олиб келиб бер. Ҳовлига экиб қўяман.

Табииёт мутахассислари кундалик рационимизга янги ёки қуртилган ўрик – туршани киритишни тавсия қилишади. Чунки у юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди, қон босимини меъёрлаштиришга ёрдам беради, ҳазм жараёнини яхшилайди, инсонга куч-қувват ва тетиклик бахш этади. Айниқса, туршакда калий моддаси янада кўп бўлади. Шу сабабли шифокорлар юрак хасталиги бор инсонларга уни меъёрда истеъмол қилишни маслаҳат беришади.

Табиатшунос олимлар ҳам бир жиҳатни алоҳида таъкидлайдилар: ўрик дарахти атроф-муҳит учун ҳам катта фойда келтиради. У ҳавони тозалайди, тупроқни мустаҳкамлайди, қушлар учун паноҳ бўлади. Шунинг учун ҳам доно боболаримиз бекорга “Бир туپ ўрик – бир ҳовлининг баракаси”, деб айтишмаган.

Қурбон Эшматов бу ҳақиқатни жуда эрта англаган инсонлардан эди. Шунинг учун ҳам у киши гапдан кўра амални афзал билар, қўлига белкурак олиб, ҳар баҳорда бир неча туپ ниҳол экарди. Балки у экиб кетган дарахтлар ҳозир қаерлардадир оппоқ бўлиб гуллаб ётгандир, пишқичлик пайтларида кимнингдир дастурхонига мевалари барака бўлиб тушаётгандир, болакайлар унинг шохларига чиқиб ўйнаётгандир...

Шундай пайтларда беихтиёр бир фикр хаёлга келади: инсон бу дунёдан кетиши мумкин, аммо у экиб кетган дарахтлар унинг номини йиллар давомида яшатаверади. Шу боисданми, ҳар баҳор ўрик гуллаганда, табиат оппоқ либосга буркан-

Исмат аканинг ҳикояси

Ёз кунлари эди. Исмат ака деган қўшнимиз чиқиб қолди. Тўйга хабар қилиб юрган экан. Ҳовлидаги қаравотга таклиф қилдим-да, бир пиёла чой қуйиб узатдим. У чойдан хўплаб, тепамизда ғарқ пишиб ётган ўриқка ишора қилди-да, қулиб деди:

– Шу ўрик дарахтига кўзим тушса, Шомурод амаким ёдимга тушаверади. Даданг раҳматли менга зўр сабоқ берган эдилар-да...

Исмат ака ўша йиллари Пискентда “Жигули”нинг моторини яхши тушунадиган санокли усталардан ҳисобланар эди. Бир йили колхоздаги сув чиқарадиган насосда ишлайдиган дадамга сменадош бўлиб қолади. Бир кун дадам сменага келсалар, уч-тўрт ошнаси билан чайлангич четиде улфатчилик қилиб ўтиришган экан. Ушанда Исматбой устанинг “кетмони учган”: машинасини тузаттирган шопирлардан бири пул берса, бошқаси ичимлиги газанини ташиб юрган пайтлар.

– Исмат! – дебдилар дадам давра тўрида ичкиликдан қип-қизариб ўтирган сменадошларига қараб. – Ариқ четиде кетмон дастадек бўп қолган ўрик бор эди, қани?

– Ҳа, уми, – дебди Исмат ака зўрға кўзини очиб, – ўтган-кетганда шохлари оёққа илиниб, жа-а жонга тегиб кетди-да, амаки! Шартта кесиб ташладим! Мана, ёнимда...

– Қани, бу ёққа бер-чи!

Даданг ниҳолни олибди-да, кутилмаганда Исматбойнинг орасига... шунақанги зарб билан урибдиларки, шурлик вой-войлаб башараси билан ниҳол кесилган жойга йиқилибди. Шишадолари машинага ўтказишганда дадам унга тайинлаган эканлар:

– Агар яна ман эккан дарахтдан бирортасига болта урсанг, энди кўлингни кесаман!

– Ушанда қилган ишимдан уялиб ишдан бўшаб кетгандим, – дея эсланган эди Исмат ака. – Лекин раҳматли бир умрга татиғулик сабоқ берган эдилар...

Дўппи остидаги мақола

Собиқ синфдошлар билан ойда бир йиғилиб турадиган одатимиз бор. Дастурхон устида ўтган-кетганларни эслаб, гурунглашиб ўтираемиз. Бир сафар Юнус деган ўртоғимиз келмади. Хасталаниб, кардиологияга тушиб қолган экан. Кейинги гал йиғилганимизда у дўпписи остидан газета парчасини олди-да, менга узатди:

– Ошна, сенга бир “комсомолча” топшириқ бор, – деди тиржайиб. – Даволовчи дўхтирим битта газета берганди. Ўқиб чикинг, амаки, ўриқнинг соғлиққа фойдаси ҳақидаги гаплар экан деб. Шуни берсам, сенам

Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 6 мартда эълон қилинган “Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қа-

донлар, пилла етиштирувчилар ва қайта ишловчи корхоналар ҳақидаги маълумотлар, шартномалар, режа кўрсаткичлари, уруғ тарқатиш ва хосилни қабул қилиш жараёни ягона базарга жамланади. Шу билан бирга,

илловани ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган. Бу эса пиллачиликда шаффофлик ва самарадорликни янада оширади. Айтиш жоизки, Тошкент вилояти пиллачилик соҳасида юқори салоҳиятга эга ҳудудлардан

самарали қўллашлари натижасида ҳар йили юқори ҳосилдорликка эришиб келинмоқда.

Вилоятда жорий йилги пилла етиштириш мавсумига ҳам пухта тайёрларлик кўрилди. Хусусан, фермер хўжалиқлари ва касана-чилар учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, озуқа базаси мустаҳкамланди. Уларга мутахассислар томонидан амалий кўмак ва маслаҳатлар берилмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар 34 минг кўтидан ортиқ ипак курти фермер хўжалиқлари ва касаначиларга тарқатилди. Бу эса мавсумни уюшқоқлик билан бошлаш ва белгиланган режаларни ўз вақтида бажаришга замин яратади. Мавсум давомида 2 минг 42 тоннадан ортиқ “кумуш тола” етиштириш режалаштирилган ва маррага эришиш учун барча имкониятлар сафарбар этилган.

Эътиборлиси, мавсумда 87 минг 461 нафар фуқарони иш билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу қишлоқ жойларда аҳоли даромадларини ошириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Пиллачилик: Мавсумга тайёрмиз(ми?)

босқичга кўтарилиб, анъанавий тажриба замонавий технологиялар ва илмий ёндашувлар билан уйғунлашмоқда. Энг муҳими, мазкур жараён минглаб инсонлар учун иш ўрни ва барқарор даромад манбаини яратиб, унинг ижтимоий аҳамиятини янада кучайтирмоқда.

Мамлакатимизда пиллачиликни янада ривожлантириш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, қатор қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда.

рори соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди.

Қарорга мувофиқ, ипак маҳсулотлари экспортини ошириш, туздорлар майдонини кенгайтириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, ипак курти уруғи ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, 2026 йил 1 сентябрга қадар “Pillachilk.uz” электрон платформасини ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, ушбу тизим орқали тут май-



соҳада фаолият юритаётганлар учун агротехник қондалар, илмий тавсиялар ва ўқув материалларини ўз ичига олган мобил

ҳисобланади. Бу ерда кўп йиллик тажрибага эга касаначилар ипак курти парвариши ва пилла етиштиришда илгор усулларни

Эълон

“Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ

кредиторлари

ДИҚҚАТИГА!

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарори билан “Тошкент Агросервис МТП” МЧЖда ихтиёрий тугатиш жараёни бошланганини маълум қиламиз.

Барча масалалар бўйича Тошкент шаҳри, Миробод тумани, “Олтинқўл” кўчаси, 115-уйга ёки ушбу телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (90) 058-51-51, (99) 028-03-83.

“Тошкент Агросервис МТП” МЧЖ тугатиш комиссияси

Адабий дўстлик —

АБАДИЙ ДЎСТЛИК



Тадбир туркий халқлар ўрта-сидаги адабий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, умумий маънавий меросни тарғиб қилиш ва ижодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, яқинда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

“Мереке баспалари” нашриёти томонидан “Туркий дунё адабиёти” туркумида бир қатор бадиий асарлар қозоқ тилида чоп этилди. Озарбайжон Ёзарлар бирлиги раиси, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анарнинг “Қонақ уй болмеси”, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раевнинг “Топан”, Қирғизистон халқ ёзувчиси Арслон Койшиевнинг “Туқымкурт”, Ўзбекистон халқ

ёзувчиси Хайридин Султоннинг “Бақит жағалауы” (“Саодат соҳити”) китоблари шулар жумласидандир. Эътиборлиси, яна бир қатор асарлар чоп этилиш арафасида.

Бу китоблар нафақат адабий меросимиз бойлигини намойён этади, балки азалдан тили, дили, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган туркий халқларни

янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Тадбирда ушбу китоблар муаллифлари, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, ижодкорлар, зиёлилар, санъаткорлар ва китобхонлар иштирок этдилар.

Тақдимот доирасида муаллифлар иштирокида янги китоблар намойиши муносабати билан рамзий тасма кесиш маросими

ўтказилди. Ижодий мулоқотда муаллифлар ўз асарларининг мазмун-моҳияти, ижодий режалари ҳамда туркий адабиётнинг тарихий илҳизлари ва муштарак гоёлари ҳақида фикр алмашдилар.

Анжуманда сўз олган Халқаро ТУРКСОЙ ташкилоти бош қотиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раев, Озарбайжон Ёзарлар бирлиги раиси, Озарбайжон халқ ёзувчиси Анар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистондаги Ислоҳ цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдуҳолиқов, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мереке Кулқенов ва бошқалар ушбу тадбир нафақат адабий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки туркий дунё мамлакатлари ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлигини янада ривожлантириш, умумий маънавий қадриятларни кенг тарғиб этишга хизмат қилишини, адабиёт — миллатларни яқинлаштирадиган, дилларни боғлайдиган ва абадий дўстликни таъминлайдиган беқиёс куч эканини таъкидладилар.

Тўхтамурад ҲАСАНБОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Аҳмад ТУРА олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,
nashr uchun mas'ul:

Suhrobjon SADIROV

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Zikrilla MUHAMMAD

Ekspeditor:

Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@gmail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20.00.

Bosishga topshirildi – 19.30.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-435.

8 378 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonada manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

▼ Сурур



АЙ, МАНИМ ТУРОНИМ, ТУРКИСТОНИМ-АЙ!

Юраклар депсинур ўзар қулундай,
Кўзларда қатра нур – тузар қунундай!
Темурий сипоҳлар, Бобурий шоҳлар,
Бирлашинг бурунги буюк будундай,
Ай, маним Туроним,
Туркистоним-ай!

Метин мушт бўлажак, тугилса бармоқ,
Денгизга дўнажак, қўшилса ирмоқ!
Аждодинг ҳайқирмиш юрагинга боқ...
Гавҳардай сочилиб ётасан тоқай –
Ай, маним Туроним,
Туркистоним-ай!

Ай, дунё аҳлига мураббий будун,
Жаҳонда адолат ўрнатмак учун
Қай замон қайтасан, қайдасан бугун?
Қизлари сўқсурдай, ўғли қарчиғай,
Ай, маним Туроним,
Туркистоним-ай!

Чорласанг, чопарман қошинга – лаббай,
Жилмайсанг, чаларман карнай-у сурнай.
Малаксан! Малайман ўзим, айланай –
Яйрагил, яшнагил, яша оғринмай,
Ай, маним Туроним,
Туркистоним-ай!

Ҳар қарич еринга ошиқдай қараб,
Ҳар ёвуқ ёвузни этмак бартараф,
Сен учун курашмак, ўлмак на шараф!
Не алплар ишқинда ёнди тириклай –
Ай, маним Туроним,
Туркистоним-ай!

Бошинга бобомнинг байроғи қайтмай,
Бағринда ястаниб ётмоқ ноқулай.
Совутим совумас – хизматинга шай!
Энг буюк давлат бўл ҳар доимгадай –
Ай, маним Туроним,
Туркистоним-ай!

Шаҳриёр ШАВКАТ

Бахтли бўлиш формуласи



Сўнги йилларда мамлакатимизда ажримлар сони ошгани ҳеч кимга сир эмас. Расмий манбаларнинг маълум қилишича, ўтган 2025 йил давомида республика бўйлаб никоҳдан ажрашиш билан боғлиқ 70,5 мингта иш кўриб чиқилиб, шундан 37,5 мингтасининг даъво талаблари қаноатлантирилди. Яъни, шунча оила расман ажрашди. Бу 2024 йил билан солиштирганда 16,5 фоизга (5,3 мингтага) кўп демакдир.

▼ Уч авлод учрашуви

Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларга барҳам бериш мақсадида бугун жойларда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида оила муқаддаслиги, унинг ўрни ва жамият ривожига аҳамиятини тушунтириш мақсадида тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Хусусан, Қибрай туманининг “Кўприкбоши” маҳалласида “Бахтли бўлиш формуласи” ёхуд қўша қариш саодати мавзусида уч авлод учрашуви ўтказилди. Туман ҳокимлиги ҳамда “Нуроний” жамғармасининг Қибрай тумани бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган маънавий-маърифий учрашувда турли авлод вакиллари жам бўлишди. Тадбирнинг асосий меҳмонлари сифати-

да эса узоқ йиллар давомида аҳил ва тотув ҳаёт кечириб келётган намунали саккиз оила вакиллари тақдир этилди.

Учрашувда нуронийлар ўзларининг ҳаётини қузатувлари, синовларга бой тажрибаси, ўзаро ҳурмат ва садоқатга асосланган муносабатлари ҳақида сўзлаб беришди. Шунингдек, оила мустақамлигини таъминлашда ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат, меҳр-муҳаббат ва кечиримли бўлиш кераклигини алоҳида таъкидладилар.

Шу куни ёшлар оила қуриш, фарзанд тарбияси, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш борасида нуронийлардан маслаҳат ва амалий тавсиялар олдилар.

Тадбирда “Нуроний” жамғармаси Қибрай тумани бўлими раиси Раҳматилла Шералиев ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этиб, оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Таъкидланганидек, бундай учрашувлар жамиятда оила институтини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни мустаҳкам ва бахтли оила қуришга руҳлантириш, шунингдек, авлодлар ўртасидаги маънавий боғлиқликни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Меҳридин ИБРАГИМОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Муаллиф олган сурат

“Ақчақўл илҳомлари”

▼ Танлов



Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг бадиий салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида “Ақчақўл илҳомлари” фестивали ташкил этилди.

Танлов жараёнида иштирокчилар шеърят, наср ва публицистика йўналишларида ўз ижод намуналари билан қатнашдилар. Жараёни шарафига ва адолатли ташкил этиш мақсадида баҳолаш мезонлари аниқ белгиланди ҳамда малакали ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши ижодий ишлар саралаб олинди.

Мазкур танловда ҳудудлардан фаол ёшлар иштирок этди. Жумладан, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидан истеъдодли иштирокчи Баҳром Норматов ҳам қатнашди.

Фестиваль ёшлар ўртасида адабий муҳитни шакллантириш, ижодий тажриба алмашиш ва янги истеъдодларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўз муҳбиримиз

Моҳият

**Кексалик санъати
ёшларга тўғаноқ
эмас – суянчиқ,
рақиб эмас – муаллим,
бефарқ эмас – ҳамдард
бўлиш демакдир.**

А. МОРУА

